2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

42 (644)

2008 йил 15 октябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2
- Оқсоқолнинг хулосаси — муросаи мадора
- Кулоллар юртида янги билим маскани

3
- Моҳир уста қўлида ёғоч ҳам сўзлайди
- "Сохта ҳужжат эвазига ...сирға берасиз"

4
- Исмоилийнинг қаламини ким синдирган?
- Сурати ва сийрати одми одам

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ ЕТАКЧИ ҲАМКОР

Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ва 14 октябрь куни пойтахтимизда очилган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги ташқи савдо ҳамкорлигини ҳамда жаҳон хўжалик муносабатларидаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Ярмарка Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Cotton Outlook» халқаро агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмагида ташкил этилди.

Пахтачилик ва у билан боғлиқ пахтани қайта ишлаш саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини очар экан. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан, тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш борасидаги туб ўзгаришлар натижасида пахтани етиштириш, қайта ишлаш ва ундан энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тола ишлаб чиқаришга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Ушбу соҳада мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди, ўзбек пахта толасини экспортга сотиш бўйича очиқ механизм яратилди. Шу боис ҳам юқори сифати билан бутун дунёда эътироф этилган ўзбек толасига бўлган эҳтиёж халқаро бозорларда йил сайин ортиб бораётир.

Мисол учун, 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан трейдер ва тўқимачилик компанияларининг 170 нафардан ортиқ вакили қатнашган бўлса, 2006 йилда 250, 2007 йили 450 нафардан ортиқ киши иштирок этди. Бу йил эса ушбу анжуманга 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 450 нафардан зиёд вакил ташриф буюрди. Айни вақтда, дунёнинг янги-янги минтақаларини қамраган ҳолда, Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг жуғрофияси тобора кенгайиб бормоқда. Пахта бизнеси бўйича Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида сўнгги йилларда тўқимачилик саноати жадал равишда ривожланаётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари компаниялари кўпчиликни ташкил этмоқда. Ушбу мамлакатлар билан савдосотиқ кўрсаткичлари, ярмаркада тузилган шартномалар сони ҳам йилдан йилга кўпаймоқда, толанинг таклиф этилаётган жами ҳажми қолдиқсиз харид қилинмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек пахтасига бўлган талаб юқорилиги ва у тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу ярмарка эса жаҳон пахта бизнеси соҳасидаги муҳим воқеа мақомига эга бўлди.

Икки кун давом этадиган ва анъанавий тус олган бу галги ярмарка давомида унинг иштирокчилари мамлакатимизда пахта саноатини ривожлантириш стратегияси билан батафсил танишиш, ўзбек толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имконига эга бўладилар. Ярмаркада, шунингдек, Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган пахта саноати салоҳияти ва амалий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш имкониятларини ўрганишдан манфаатдор хорижий ҳамда халқаро бизнес тузилмаларининг обрўли экспертлари ҳам қатнашмоқда.

«Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Р.Батлернинг таъкидлашича, Ўзбекистонда пахта сифатини баҳолашнинг илғор тизимларини яратиш ва уни сотиш бозорларини кенгайтириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилган. Бу ҳақдаги ахборот жаҳон пахта саноати соҳасида энг нуфузли ҳисобланган «Cotton Outlook» журналида мунтазам чоп этилмоқда. Чунончи, ушбу журналда мазкур ижобий ислоҳотлар

давлатимиз раҳбарининг пахта бизнеси соҳасида Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувини янада кучайтиришга қаратилган стратегияси натижаси экани, мамлакатимизда ўзбек толаси ишлаб чиқарувчиларнинг хорижлик истеъмолчилар билан муносабатларини ривожлантиришга доир янги ташаббуслар амалга оширилаётгани қайд этилган.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш асосида мамлакатимизда пахтани сотиш бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган замонавий механизм яратилди. Ушбу механизм барча босқичлар – пахта етиштиришдан тортиб, уни тайёрлаш, сертификатлаш, сақлаш ва транспортировка қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг комплекс равишда амалга оширилаётгани ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бугун фермерлар ўзини ернинг ҳақиқий эгаси сифатида ҳис қилмоқда ва пахтанинг мамлакатимиз ҳамда хориж бозорларида талаб юқори бўлган навларини танлаб экмоқда. Деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги ўзбек пахтасининг ҳосилдорлиги ва сифати ошишига, уни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу борадаги ишларга энг замонавий илмий технологиялардан самарали фойдаланаётган селекционерлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Сўнгги йилларда улар

зараркунандаларга чидамли ҳамда республикамизнинг муайян ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитларига мос, истеъмолчиларнинг турли талабларига жавоб берадиган ўнга яқин эртапишар ва серҳосил, тола чиқиши юқори бўлган янги навларни яратдилар.

«Ўзэкспомарказ»нинг ярмарка бўлиб ўтаётган асосий павильонига жорий йилда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган истиқболли пахта навлари толасининг мингдан ортиқ намуналари қўйилган. Ярмарка иштирокчилари улар билан танишиши мумкин. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда пахта толасини сертификатлаш энг илғор халқаро стандартлар асосида амалга оширилмоқда. Бу жараён HVI юқори технологик тизимларидан фойдаланишга асосланган. Бугунги кунда бундай тизимларга дунёнинг ҳамма пахта етиштирадиган мамлакатлари ҳам эга эмас. "Сифат" марказининг лабораториялари тармоғи пахта заводларимиз ишлаб чиқараётган ҳар той пахта толаси сифати ва оғирлигини назорат қилиб боради.

Ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А.Гитчунс, Хитой пахта уюшмасининг вице-бош котиби В.Жяхонг, "Cotton Bangladesh" халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан (Бангладеш), «Dubai Multi Commodities Center» ижрочи директори Д.Рутлеж (Бирлашган Араб Амирликлари) ва бошқалар Ўзбекистон — юқори сифати билан ажралиб турадиган пахтани кафолатли равишда етказиб берувчи мамлакат эканини, бу ерда бозор нархлари ўзгаришига қараб, унинг мослашувчан кўрсаткичларидан фойдаланилаётгани ҳамда буларнинг барчаси ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатдорликни оширишни таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг пахтани экспортга етказиб бериш билан шуғулланадиган ташқи савдо компаниялари замонавий ва самарали сотиш услубларини қўллаган ҳолда, ўз маркетинг стратегиясини мустақил шакллантириш ҳуқуқига эга. Ярмаркада қатнашаётган чет эл трейдер фирмалари ва тўқимачилик компанияларига, ўзлари танлаган толани сотиб олиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузиш билан бир қаторда, уни транспортировка қилиш тўғрисида келишиб олиш имконияти берилиши Ўзбекистон экспорт сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Истеъмолчиларни ушбу хизматлар билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Мамлакатимизда 25 та пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат логистика тизими йўлга қўйилган. Ўзбек толасини етказиб бериш жуғрофияси мунтазам кенгайтирилмоқда, пахтамизни сотадиган бозорлар сони кўпайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда, янги транспорт йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда пахта толасини экспорт қилишни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ўзимизда тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобидан пахтани бевосита республикамиздаги корхоналарда чуқур қайта ишлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг ушбу тармоғи катта салоҳиятга эга. Бунинг натижаси ўлароқ, соҳага жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Буларнинг барчаси яқин келажакда республикамизда етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизгача бўлган қисмини ўзимизда қайта ишлаш имконини беради.

Тадбирда сўзга чиққан хорижлик иштирокчилар Ўзбекистонда пахтанинг ички истеъмолини кенгайтириш, тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасидаги улкан ишлар Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон бозорида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ҳамда мавқеини ошириш мақсадида келгусида амалга ошириладиган туб ўзгаришларга қаратилган оқилона сиёсатидан далолат беришини таъкидладилар.

Мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, бизнес учун яратилган кафолатли шароитлар халқаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга кўмаклашиши, анъанага айланган ҳамда дунё миқёсида юксак эътироф ва обрўга эга бўлган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ушбу ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллагани қайд этилди.

Ярмарка қатнашчилари Ўзбекистон пахтачилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самараларни мазкур анжуман доирасида ўтказиш режалаштирилган тадбирлар давомида бевосита кўриш имкониятига эга бўладилар. Улар Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, "Тошкент-Тола" пахта терминали, пойтахт вилоятидаги «Мурувват-текс» тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишадилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси товархомашё биржасининг кўргазмали савдо сессияларида ҳам иштирок этадилар.

Бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, шубҳасиз, жаҳон пахта бозорида муҳим иқтисодий воқеага айланади, мамлакатимиз иқтисодиётини янада изчил ривожлантириш ва халқаро майдонда рақобатбардошлигини оширишга, юртимизнинг обрўэтиборини юксалтиришга хизмат қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Тошкентда 14 октябрь куни очилган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан уч юздан зиёд йирик фирма, компания ва тўқимачилик корхонасидан тўрт юздан ортиқ вакил иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Лю ТУНЦИ, "Huachen" компаниясининг лойиҳаларни ижро этиш департаменти директори (Хитой):

— Доврўғи дунёга танилган ўзбек пахтасининг юқори сифати ҳақида кўп эшитган эдим. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида унинг навлари ҳақида батафсил маълумот олдим. Ярмарка давомида компаниямиз икки минг тонна пахта сотиб олиш учун шартнома имзолашни режалаштирган.

Тошкентда ўтказилаётган ушбу анъанавий халқаро ярмарка, нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Юртингиз компаниялари билан узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

Вадим БАКАРИНОВ, "Примтекс" компанияси бош директори (Россия):

— Ўзбекистон пахтаси дунёдаги энг сара ва аъло сифатли пахталардан ҳисобланади. Бу – жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳақиқат. Шу боис у ғоят харидоргир. Ўтган йили компаниямиз ярмаркада ўн уч минг тонна пахта харид қилган эди. Бироқ унга эҳтиёжимиз яна-да ортди ва кейинроқ қўшимча сотиб олдик.

Аҳад КЕРМАНИЙ, "Ferdows Textile" компанияси бош директори (Эрон):

— Ўзбекистоннинг пахта бозори барқарорлиги билан ажралиб туради. Компаниямиз кўп йиллардан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Чунки унинг юқори сифати Эрон саноати талабларига тўла жавоб беради.

Илгари ўзбек пахтасини Европа мамлакатлари орқали харид қилар эдик. Мазкур ярмарка уни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконини яратди. Ўзбекистон пахта толасининг халқаро андозалар асосида сертификатланиши муҳим кафолат ҳисобланади.

Ярмарка юксак савияда ташкил этилгани билан эътиборга молик. Анжуманда иштирок этаётган хорижий компаниялар сонининг йил сайин ортаётгани жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи юксалиб бораётганидан далолатдир. Бу галги ярмаркада икки минг тоннага яқин пахта толаси сотиб олмоқчимиз.

Шайх Муҳаммад АЛИ, "Royal Inspection International" компанияси бош директори (Бангладеш):

— Бангладеш ҳам Ўзбекистон каби пахта саноати ривожланган мамлакат. Шунга қарамай, пахтангизнинг сифати ғоят юқори бўлгани боис маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзбек пахтасидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бангладеш импорт қиладиган пахтанинг олтмиш беш фоизи Ўзбекистондан олиб келинади.

Компаниямиз бир неча йилдан буён Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ярмарка юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ерда иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш ҳамда пахтачилик юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқдалар.

Дак Су ЧАНГ, "J&H White Gold" компанияси бош директори (Корея Республикаси):

— Юртингиз пахтачиликни ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Буни иштирокчилари сони тобора ошиб бораётган мазкур ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз мамлакатингиз билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Мазкур ярмаркада кўп томонлама фойдали мулоқотлар олиб бориш ва истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларимиз изчил ривожланиб бораверади, дейиш учун тўла асос бор.

ЎзА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

Style.uz-2008

ДИЗАЙН ВА МОДА КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимизда "Style.Uz-2008" дизайн ва мода ҳафталиги доирасидаги дизайн ва мода кўргазмаси давом этмоқда.

Ёшлар ижод саройида очилган мазкур кўргазма мода саноатининг кўплаб қирралари, замонавий миллий ҳамда жаҳон модаси йўналишларини намоён этишда, соҳада халқаро алоқаларни янада фаоллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Матолар, тикиш ва тўқиш технологияларини қайта тиклаш, тўқимачилик янгиликлари, таниқли ва ёш дизайнерлар томонидан яратилган либослар, безаклар, тадқиқот ишлари олиб бораётган ижодкорлар, жаҳон модасида рўй бераётган энг сўнгги ўзгаришлар мазкур кўргазма экспозициясининг асосий қисмини ташкил этади.

— Тошкентда ўтаётган бундай нуфузли тадбирда иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлайди, – дейди швейцариялик журналист Саймон Хьют. – Ҳафталик дизайн ва мода соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун яхши имкониятдир. Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек мода ижодкорларининг либос тўпламлари ранг-баранглиги, бетакрорлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бундай тадбирлар яқин келажакда Тошкент жаҳоннинг йирик мода марказларидан бирига айланишига хизмат қилади.

Ушбу кўргазмада таниқли тўқимачилик компаниялари, модалар уйлари, заргарлик буюмлари, либослар, гул дўконлари маҳсулотлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Айниқса, "Дом стиля" Тошкент модалар уйи, Миллий санъат маркази, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлар уюшмаси каби мода марказларининг маҳсулотлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада иштирок этаётган модалар уйлари, ёш ижодкорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар орасида "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар танлови ғолиблари ҳам бор. Кўргазманинг Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтаётгани дизайн ва мода соҳасида изланаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди янада кенг намоён бўлишига яқиндан кўмаклашиш, йигит-қизлар ижодий салоҳиятини намоён этиши учун яратилган ўзига хос имкониятдир.

— Ҳафталик йил сайин такомиллашиб бормоқда, – дейди ёш модельер, "Style.Uz-2006, 2007" дизайн ва мода ҳафталикларининг ғолиби Марат Неъматов. – У юртимиз мода ва дизайн соҳасида янги номларнинг пайдо бўлишида муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йил мазкур ҳафталикда қатнашишим ўз ғояларимнинг амалга ошишида, ижод намуналаримни бир қатор мамлакатларда муваффақиятли намойиш этишимда катта ёрдам берди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

ЭРТАНИНГ ТАШВИШИ — БУГУННИНГ ЮМУШИ

Жиззах шаҳридаги асосий муҳандислик коммуникациялари, технологик асбоб-ускуналар, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди обектларини 2008-2009 йил куз-қиш мавсумига ҳозирлаш ва таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар қизғин давом эттирилмоқда.

Шу кунгача 5 та қозонхона, 2,3 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари, 10 километр узундикдаги ичимлик сув ва 3,1 километр узунликдаги газ тармоғи мукаммал таъмирланиб, бу борада белгиланган режа тўлиқ уддаланди.

Шунингдек, 18 та мактаб, 23-сонли «Меҳрибонлик уйи», 28 та боғча ва бешта шифохона жорий таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай ҳолга келтирилди. Хусусан, таъмирланган мактаблардаги 40 минг квадрат метр ҳажмдаги ойналар янгисига алмаштирилди. Ҳозирда 423 та кўпқаватли уй-жойлар фондини таъмирлаш ишлари поёнига етказилмоқда.

— Шаҳримизда 2008-2009 йил куз-қиш даврига тайёргарлик ишлари анча барвақт бошланди, — дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғофур Қаршибоев. — Мавсумга ҳозирлик кўриш ишларининг ўз вақтида ниҳоясига етишида маҳаллалар қошида ташкил этилган махсус комиссияларнинг улуши катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг. Обуна бўлишга шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

2008 йил — Ёшлар йили

«ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — БОЛАЛАРГА»

«Ёшлар йили» Давлат дастури асосида юртимиз ёшлари учун ҳар жабҳада улкан имконият ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда «Билайн» савдо белгиси остида уяли алоқа хизматларини кўрсатиб келаётган «Unitel» компанияси томонидан ишлаб чиқилган «Янги технологиялар — болаларга» номли ижтимоий дастур доирасида Яккабоғ туманидаги Совуқбулоқ қишлоғида жойлашган 9-умумтаълим мактаби компьютерлари интернет тармоғига улангани ана шундай намунасидир.

«Вимпелком» очиқ акциядорлик жамияти таркибига кирувчи «Unitel» масъулияти чекланган жамиятининг филиали 625 нафар ўқувчи таҳсил олаётган ушбу ўқув масканига махсус модем ва ҳисобида 200 АҚШ доллари миқдорида маблағ бўлган картани совға қилди. Мактаб компьютерларига тегишли дастурий таъминот ўрнатилгач, совуқбулоқлик ўқитувчи ва ўқувчилар илк бор бевосита шу даргоҳнинг ўзидан интернет тармоғига чиқиш имконига эга бўлишди.

Ушбу лойиҳа республиканинг симли интернетга уланиш имкони бўлмаган ёки буни амалга ошириш анча мураккаб саналган чекка туманлардаги таълим муассасалари учун мўлжалланган.

— Махсус синфхонамизда ўнта замонавий компьютер бўлса-да, қишлоққа рақамли алоқа тармоғи тортилмагани сабабли интернетга уланиш имкони йўқ эди, — дейди информатика фани ўқитувчиси Абдуғани Султонов. — Ҳомий ташкилотнинг ёрдами туфайли бугун ана шундай имкониятга эга бўлдик. Энди биз ўқувчиларимизга нафақат интернетда ишлаш кўникмаларини беришимиз, балки ушбу тармоқдан фойдаланган ҳолда болаларга бошқа фанлардан берилаётган таълим сифатини янада юқорироқ даражага кўтаришимиз мумкин.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

ЗАРБДОРДА ЗИЁ МАСКАНИ

Наманган шаҳридаги Зарбдор маҳалласи фуқаролар йиғини биноси билан ёнма-ён бунёд этилган «Маънавият ва маърифат» хонаси фойдаланишга топширилди.

Ушбу замонавий кўринишдаги бино фуқаролар йиғини мутасаддиларининг кўрсатган ташаббуси ва ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳашари натижасида қад ростлади.

Уни бунёд этишда Маҳмудхон ва Ҳомидхон Содиқовлар, Аҳмаджон Икромов, Ҳасанбой Дадахонов, Собитхон Мамадалиев, Умархон Усмонов каби маҳалладошларнинг ҳиссаси катта бўлди. Хусусан, тадбиркор ва уста Илҳомжон Маматхонов хонани жиҳозлаш учун ўзи тайёрлаган мебеллардан тортиқ қилди.

Бу ердан Президентимизнинг асарлари, қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда маҳалланинг тарихига оид манбалар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссиялар низомлари ўрин олган.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

Йиғинда комиссиялар фаолияти

...Бибинисо маҳалла идорасига қизи Рухсорани бошлаб келди.

— Тамом. Эринг билан ажрашасан. Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Қачонгача чидайсан, бу такасалтанг эрга. Ҳозир оқсоқолга ҳаммасини айтасан, — деди важоҳат билан.

Хурсанали ака ранги сўлғин, ҳеч бир чора тополмай шикоят қилишга мажбур бўлган бу аёлнинг дардини тинглади.

ОҚСОҚОЛНИНГ ХУЛОСАСИ – МУРОСА

Оила жар ёқасига келиб қолган. Ажрашиш учун судга ариза бериб келишибди.

Хурсанали ака тезда Яраштириш комиссияси аъзоларини ишга солди. Маҳалла фаоллари оиладаги шароитни ўрганишди. Кудалар баъмани одамлар экан. Шундан сўнг икки қуда билан суҳбатлашиб, оқсоқол одилона қарор чиқарди. "Яна бир ой сабр қилинглар, ажралиш қочмайди." Шу вақт оралиғида ҳеч қаерда ишламайдиган куёв болани маҳалла гузаридаги новвойхонага ишга жойлади. Келинни ҳам эътибордан четда қолдирмай, чақалоққа бериладиган нафақа пулидан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатди. Оиласини йўқотишни истамадими, ҳарқалай, эрининг иши юришиб кетди.

Мана, шу воқеага ҳам саккиз йил бўлибди. Шунча вақт ичида Рашидовлар хонадонида яна икки фарзанд туғилди. Ҳозир тўнғичи мактабга боряпти.

— Ўшанда бир оғиз гап билан бузилиб кетарди-я бу оила, — хотирлайди Хурсанали ака. Эҳ-ҳе, оқсоқол маҳалладаги бундай воқеаларнинг қанчасини ҳал қилган, ҳисобини билмайди. Мана, саккиз йилдирки, Хурсанали ака Ҳамза туманидаги Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғининг раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Хурсанали ака оқсоқол этиб сайлангандан бери бутун вужуди билан маҳалла ҳаётига эш, қалби маҳалладошларининг дардига туташ.

— Янгиободга шундай оқсоқол бош бўлганидан кўнглимиз тўқ, — дейди маҳалла нуронийларидан бири Ўктам Шомуродов. — Доим маҳалладошларининг ташвиши билан елиб-югуради. Маърака ёки тўйми, маданий-маърифий тадбирми, ҳаммасига ўзи бош-қош.

— Оила муқаддас қўрғон, — дейди Хурсанали ака. — Афсуски, мана шу қўрғоннинг муқаддаслигини, уни асраб-авайлаш зарурлигини айрим ёшларимиз тушуниб етмаяпти. Кейинги пайтда оилада чиқаётган жанжалларнинг негизида бир-бирини яхши тушунмаслик, айрим ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига эътиборсизлиги ётибди. Кейинги йилларда маҳалламизда ажралишлар деярли учрагани йўқ. Яраштириш комиссияси махсус иш режаси асосида ишлайди. Фаолиятим давомида шу нарсага амин бўлдимки, оилага тагзаминни бошдан қўйиб, режалаштириб бориш зарур. Ўзингиз биласиз, беш қўл баробар бўлмаганидек ҳаётда турли феъл-атворли одамларга дуч келамиз. Баъзилар ётиғи билан тушунтирсанг, хатосидан хижолат бўлиб, уни қайта такрорламасликка ҳаракат қилади. Баъзиларига эса минг танбеҳ берсанг ҳам таъсир қилмайди. Ана шундай вазиятда ҳаётнинг паст-баландини кўрган, тажрибали нуронийларнинг маслаҳати ёки танбеҳи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки Яраштириш комиссиясига ибрат қилишга лойиқ тарзда умр кечирган, меҳнати орқасидан обрў-эътиборга эришган, фарзандларини тўғри тарбиялаган кайвони кишиларни жалб этганмиз. Бундай кишиларнинг ўгити ҳар қандай вазиятда катта таъсир кучига эга. Бу — ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқат. Бундан ташқари, Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида ҳам чора-тадбирлар белгилаганмиз. Ўтган йили турмуш қурган янги оилаларнинг 14 тасига махсус совғалар топширдик.

Ана шундай эзгу ишларнинг натижаси ўлароқ Хурсанали Тожиаҳмедов "Фуқаролар йиғинларининг энг фаол Яраштириш комиссияси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби бўлди.

Бугун юртимизнинг исталган гўшасига бормайлик, Хурсанали акадек юртдошлари ташвиши билан яшайдиган, юзидан нур ёғилиб турувчи маҳалла оқсоқоллари, нуроний фаолларини учратамиз. Уларнинг қилаётган ҳар бир ишидан, ғайрат-шижоатидан ўрнак олсак арзийди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

Маҳалла тизимида кимлар ишлаяпти?

ОЛИСДАГИ ОВУЛЛАР

ташаббускор оқсоқоллар саъй-ҳаракати билан одамларнинг узоғи яқин бўлмоқда

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда маҳаллалардаги ҳар қандай муаммони ҳал этишга фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг қурби етади. Ҳеч бир идора, муассаса ёки жамоатчилик ташкилотини бу борада маҳалла билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга, кўпни кўрган фидойи инсонлар ишлайди.

Вилоят марказидан Учқудуқ шаҳрига бориш учун 300 километрдан ортиқ масофани босиб ўтишга тўғри келади. Беповён чўл қўйнида қад ростлаган Учқудуқ тумани ҳудудидаги мавжуд 6 та маҳалла ва 6 та овул фуқаролар йиғинларидан 5 таси Учқудуқ шаҳрида жойлашган. Хусусан, Авангард овул фуқаролар йиғини шаҳарчадан 220 километр узоқликда, Узунқудуқ овули 143 километр, Мингбулоқ ва Боздун овуллари эса 67 километр олисда жойлашган. Ўртадаги масофанинг узоқлиги овуллар аҳолисининг турмуш тарзидан воқиф бўлиб туришда маълум қийинчиликларни туғдиради. Шундай экан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, фуқаролар саломатлиги, меҳнат билан бандлигини таъминлаш тизим мутасаддиларидан кўпроқ эътибор талаб этади.

Ҳудуддаги «Геологлар шаҳарчаси»да 1135 нафар аҳоли, 228 та оила истиқомат қилади. Улар асосан, кон қидирувчилар ва уларнинг оила аъзоларидан иборат. Замонавий ва кўркам қилиб қурилган фуқаролар йиғини биносига кирсангиз, деворга осиб қўйилган суратлар, ҳудудда амалга оширилган ишлардан намуналар ва кўргазмали ашёлар эътиборингизни тортиши аниқ.

Умуман олганда, мазкур фуқаролар йиғинларининг ҳар бири қайсидир жиҳати билан кишини ўзига ром этади. Жумладан, тажрибали инсон, «Шуҳрат» медали соҳиби Муртазо Муротов оқсоқоллик қилаётган Мингбулоқ овулидаги оқланган уйлар, маиший хизмат кўрсатиш биноларини кўриб, кўзингиз қувнайди.

Шу ерда туғилиб, аҳолининг ҳурмату эътиборини, ишончини қозонган Муртазо Муротов ўз фаолиятини 1963 йилда ўқитувчиликдан бошлаган эди. 1993 йилда маҳалладошларининг хоҳиши билан фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Муртазо ака бажарган ҳайрли ишлардан бири ўз атрофига эл дардини тушунадиган, шароитни ҳис этувчи фаол маҳалладошларини йиға олганида бўлди. Улар қўмагида элга наф келтиришнинг мақбул йўлларини излади.

— Овул аҳолиси турмуш даражасининг яхшиланишида фуқароларнинг иш билан таъминланганлиги муҳим ўрин тутади, — дейди Муртазо Муротов. — Шуни инобатга олиб, «Микрокредитбанк»нинг Учқудуқ тумани филиали билан ҳамкорликда ҳудудимиздаги тадбиркорларга имтиёзли микрокредитлар олишида астойдил кўмак беряпмиз. Овулдаги хонадонларда қорамоллар сонини кўпайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига кейинги 3 йил ичида аҳоли даромади 22 фоизга ошди. Ишбилармонларни оёққа турғазиб, овул ҳудудида тўй-маросимлар зали, савдо ва умумий овқатланиш мажмуаларини бирин-кетин ишга туширдик. Биргина жорий йилнинг ўзида ҳунармандчилик ва касаначилик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида 28 та оила иш билан банд этилди.

— Авангард овули ҳудудига Наманган шаҳридан анвойи гуллар уруғини келтириб экдик, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Ҳамро Узоқов. — Қолаверса, жорий йилда туман ҳокимининг ташаббуси билан ҳудуддаги маҳалла ва овулларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Қарийб 15 миллион сўмлик сарф-харажатлардан ташқари, кўплаб ҳомий ташкилотларнинг саховатидан ҳам бебаҳра қолмадик. Шу жумладан, туманимиздаги 100 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. Деҳқон-фермер хўжаликларида туёқ сонини кўпайтириш, уларни арзон ва сифатли ем билан таъминлаш мақсадида 7 та жойда ем сақлаш шохобчалари ташкил этилган.

Ҳа, эл ишончига фидойи хизмати билан жавоб бераётган, ўз овули ободлиги, аҳоли турмушининг фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган оқсоқоллар доим одамлар олқишини олиб яшайдилар.

Мансур АЛОВУДДИНОВ

Иш билганга балли

Жиззах вилояти

Ғаллаорол туманида яшовчи тадбиркор Мирсаид Жўрақуловнинг мурожаати туман ҳокимлигида маъқулланиб, унга ўзи яшаётган Молтоб қишлоғидан 1,5 гектар ер ажратиб берилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Энди қишлоқ аҳли тўй ва тантаналарни Мирсаид Жўрақулов маблағига барпо этилган «Молтобим» маросимлар залида ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

МОЛТОБда тадбирлар файзли ўтади

— Туман марказидан қарийб йигирма километр узоқликда жойлашган қишлоғимиз аҳолиси учун 250 ўринли ушбу мажмуанинг қурилиб, ишга туширилиши айни муддао бўлди. Ўйлайманки, яқин келажакда қишлоғимизда хусусий мулкдорлар сони янада ошади, улар ёрдамида ҳунармандчилик ва касаначилик борасидаги фаолиятимизни ҳам яхши йўлга қўйиб оламиз, — дейди Молтоб қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Қаршиев.

Самарқандлик усталар томонидан бунёд этилиб, шарқона усулда сайқал берилган «Молтобим» тўйхонасининг очилиш маросимида қишлоқдаги кам таъминланган оила фарзандларидан икки нафарининг хатна тўйи ҳам ўтказиб берилди.

— Тўйхонани замонавий анжомлар билан жиҳозлаш, атрофини сўлим гўшага айлантириш ниятимиз бор, — дейди тадбиркор Мирсаид Жўрақулов. — Қишлоқ болаларининг орзусини рўёбга чиқариш мақсадида ер майдонимизнинг бир қисмида спорт иншоотларини қуришни режалаштирганмиз. Қолаверса, ушбу ҳудудда келгусида хотира майдончаси ҳам барпо этилади.

А.ҚАРШИЕВ

Ёшлар камолоти йўлида

Фарғона вилояти

ЖЎРАКДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Кулоллар юрти Риштондан Олтиариқ томон йўлга чиққан йўловчи истиқлол йилларида қад ростлаган маданий иншоотлар, янгича кўринишга эга бўлган меъморий биноларнинг ўзига хос кўринишидан завқланади. Катта автомобиль йўли ёқасида, Олтиариқ туманидаги Жўрак қишлоғи ҳудудида қуриб битказилган янги иншоот — педагогика коллежи эндиликда бу манзил чиройига чирой қўшиши аниқ.

Миллий ва замонавий меъморчилик услублари уйғунлашган тарзда бунёд этилган ушбу билим кошонаси бир вақтнинг ўзида 720 нафар қишлоқ ёшларининг билим олишига хизмат қилади. Бу ерда бошланғич таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, мактабгача ва оилавий таълим, мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежда ёшларнинг ҳар томонлама тўкис билим олишлари, назарий кўникмаларини амалиёт билан мустаҳкамлаши учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув-лаборатория синфхоналари, спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрида.

Шерзод ҚОРАБОЕВ
фотолавҳаси.

Наманган вилояти

«Helil Silk-ЛТД»дан ТАБИИЙ ИПАКЛАР

Вилоятдаги «Helil Silk-ЛТД» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси фаолият бошлаганига бир ярим йилдан ошди. Корхона цехларига Хитойдан келтирилган пиллани қайта ишловчи 4 та тизим бўйича автоматлаштирилган дастгоҳлар ўрнатилган.

Айни пайтда йилига 300 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур дастгоҳларда тайёрланган сифатли табиий ипаклар Туркия, Эрон, Хитой давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган 100 нафардан ортиқ ишчининг аксарияти Норин, Чортоқ, Уйчи туманларида яшовчи ёшлардир. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун қулайлик яратиш мақсадида алоҳида транспорт ажратилган. Шунингдек, ишчилар корхона ҳисобидан тушлик ва махсус кийим-бош билан ҳам таъминланган.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ЧЕРНОГОРИЯ:

AFP агентлигининг хабар беришича, душанба куни Черногория пойтахти — Подгорицада Косово мустақиллиги тан олинишига қарши чиқаётган намойишчиларнинг полиция билан тўқнашуви чоғида 34 нафар киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Жароҳатланганларнинг 23 нафари полиция ходимлари.

КОСОВО МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТАН ОЛИНИШИГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

Маълумотларга кўра, жабрланганларнинг ҳаммаси пойтахтдаги касалхоналарга жойлаштирилган, намойишчиларнинг 28 нафари ҳибсга олинган.

Черногориянинг Косово мустақиллигини тан олиш тўғрисидаги қарорига қаршилик билдириб деярли 10 минг нафар одам пойтахт кўчаларига намойишга чиқди. Бир гуруҳ намойишчилар мамлакат парламенти биноси ёнидаги полициячилардан иборат «жонли тўсиқ»ни ёриб ўтишга урингач, полиция ходимлари кўзни ёшлантирувчи газни қўллашга мажбур бўлишган. Бунга жавобан намойишчилар полициячиларни, атрофдаги дўконларнинг пештахталарини ҳамда ўнлаб автомашинани тошбўрон қилишган.

Эслатиб ўтамиз, Черногория ҳукумати жорий йилнинг 9 октябрь куни Косовонинг мустақиллигининг тан олганини эълон қилган эди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳукумат расмийлари Черногория аҳолисининг аксарият қисми Косово мустақиллиги тан олинишига қарши эканига қарамай, Европа Иттифоқига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш мақсадида ана шундай қарорга келган.

АҚШ:

ЁНҒИН ТУФАЙЛИ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер Лос-Анжелес ва Вентура ҳудудларида фавқулодда ҳолат эълон қилди, дея хабар беради The Associated Press агентлиги. Губернаторнинг бундай қарорга келишига якшанба куни ушбу ҳудуддаги ўрмонларда бошланган ёнғинлар сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, ёнғин оқибатида 2 нафар киши ҳалок бўлган.

Кўлами жиҳатдан энг катта ёнғин Лос-Анжелеснинг шимоли-ғарбидаги Сан-Фернандо водийсида юзага келиб, чамаси 19-20 квадрат километр кенгликдаги ҳудудни қамраб олди. Оловни даф этишга минг нафардан зиёд ўт ўчирувчи ва тўққизта вертолёт жалб қилинди. Табиий офат юз берган ҳудудда шамол секундига 30 метр тезликда эсиб, ўнлаб маъмурий-маиший ва турар-жой бинолари ёниб кул бўлди. 1200 нафарга яқин одам хавфсиз жойга кўчирилди.

КАМБОЖА:

ТАИЛАНДЛИК ҲАРБИЙЛАР ЧЕКИНДИМИ?

BBC Newsнинг хабар беришича, Камбожа ҳарбийлари Таиланд аскарлари икки давлат чегаралари ўртасидаги тортишувли ҳудуддан чиқиб кетганини маълум қилган. Бироз аввал Камбожа бош вазири Хун Сен таиландликларга аскарларнинг 24 соат давомида олиб чиқиб кетишларини талаб қилиб, ультиматум қўйган эди.

Икки давлат чегарасидаги келишмовчилик жорий йилнинг июль ойида, қадимий Преа Вихеа ибодатхонаси яқинидаги 4,6 квадрат километрли тортишувли ҳудудда юзага келган. Октябрь ойида эса мазкур давлатларнинг ҳарбийлари ўртасида қисқа отишма содир бўлган эди.

Камбожа ҳукумати таиландликларни ўз ҳудудларига бостириб кирганликда айблаганларида Таиланд ҳарбийлари «Бу икки давлат ўртасидаги тортишувли ҳудуд бўлса, босқинчилик ҳақида қандай гапириш мумкин?» деган эдилар. Таиланд ташқи ишлар вазири Сомпонг Аморнвият мамлакат ҳарбийлари ҳудуддан олиб чиқиб кетилмаслигини билдирганди. Бироқ шунга қарамай, Камбожанинг қуруқликдаги аскарлари бошлиғи, бригада генерали Йим Пиннинг таъкидлашича, таиландлик ҳарбийлар тортишувли ҳудуддан деярли бир километр узоқликка олиб чиқиб кетилган.

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

3-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

4-модда. Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришга таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни 18 ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Қашқадарё вилояти

ЯНГИ СТАНЦИЯ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Воҳадаги «Кўкдумалоқ-Газ» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси бош пудратчилигида Бухоро вилоятидаги Газли конида сиқув компрессор станцияси бунёд этилди.

Мазкур объектда дастлабки синовлар ўтказилди.

Техник иқтисодий асосланиши «ЎзЛИТИ нефтгаз» лойиҳалаш институти томонидан ишлаб чиқилган бу лойиҳа вилоятдаги энг йирик қўшма корхоналардан бири — «Кўкдумалоқ-Газ» бош пудратчилигида қисқа вақт ичида ҳаётга татбиқ этилди. Станцияда ўрнатилган қиймати 94,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ асбоб-ускуналар қўшма корхоналарнинг хорижий таъсисчиси «Zeromax Gmbh» компанияси томонидан етказиб берилди.

Юқори технологик қурилманинг лойиҳа қуввати бир кеча-кундузда 28 миллион кубометр газ ҳайдаш имконини беради.

МУХБИРИМИЗ

Муносиб тақдирланганлар

НАҚШЛАРГА КЎЧГАН ТУЙҒУ

Ўзбекистон халқ устаси Ҳасан Одиловнинг ижодида намоён бўлмоқда

Ҳасан ака Тошкент ўймакор-наққошлик мактаби анъаналарини уйғунлаштириб, шогирдларига ҳунар сир-асрорларини ўргатиб келаётган моҳир усталардан бири. Ҳунарманд яратган асарлар Темурийлар тарихи давлат музейи, Имом Исмоил ал-Бухорий мажмуаси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди каби масканларга сайқал бериб турибди.



Ҳасан Одилов ўймакор-наққошлик санъатининг Тошкент мактаби йўналишида ижод қилади. У республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси сифатида мамлакатимизнинг халқаро маданий алоқалари ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Нақшларда сеҳр бор,— дейди Ҳасан Одилов. — Буни ҳис-туйғулари уйғоқ инсонгина тушунади. Бу сеҳр мени 12-13 ёшлигимдан ўзига ром этган бўлса, ажабмас. Мана, ўттиз йилдирки, ўймакор-наққошман. Бу ҳунарнинг сир-асрорларини дастлаб устозим, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаевдан ўрганганман. Кейинчалик Ўзбекистон халқ усталари Саидазиз Қосимов, Сирожиддин Раҳматуллаевлар ҳам ҳақиқий уста сифатида шаклланишимга ҳисса қўшдилар. Бизнинг авлодимизда уста-ҳунармандлар ўтмаган. Ўғлим Дилмурод ҳам 12 ёшлигидан мен билан бирга ишлаб келади. Умуман олганда, оиламиз билан шу ҳунарнинг шайдоларимиз. Айни кунда мўъжазгина устахонамизда йигирма нафар шогирдим билан ижод қиляпмиз. Улар билан ўймакор-наққошлик санъатининг янги йўналишларида ишлаяпмиз. Шогирдларим билан бу соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Ёғоч ўймакорлиги мактабининг Бухоро, Самарқанд, Хива, Қарши мактаблари бир-бирига ўхшаб кетади. Лекин айрим ўзгача жиҳатлари бор. Масалан, Хива мактаби нақшлари нафис, бежирим ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Самарқанд, Бухоро мактабида ўсимликсимон, бир-бирига чирмашиб кетган нақшларга кўп эътибор берилади. Фарғона ва Марғилон мактаби Қўқон мактабидан фарқ қилади. Водий—Тошкент мактабларида кўпроқ бодом гули, қалампир, анор, якрафтор, дурафтор, яъни бир япроқли, икки япроқли гуллар акс этган нақшлар мавжуд. Кўпроқ ислимий, парафгори услублари ишлатилади. Гуллар атрофи ўйиб чиқилади. Шунда гуллар бошқа нақшлардан ажралиб, чегараланиб туради. Қўқон мактаби безакларида «марғула» гул шохчалари кўпроқ ишлатилади. Водий—Тошкент мактабида нақш қаламда ўйилгандан кейин безак бериш бошқачароқ бўлиб, гуллар ичи ўйилади. Баъзан усталарнинг ишларида ҳам фарқланиш, ўзига хослик кўзга ташланади. Мен асарларимни ишлаш жараёнида кўпроқ Тошкент мактабига хос услубларга мурожаат қиламан. Шунингдек, бошқа мактабларда ижод қилаётган ҳамкасбларим билан янги услублар ҳақида фикрлашаман. Ҳозир шогирдларим билан бирга ҳамма мактабларнинг услубларини чуқур ўрганиб, уйғунлаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳа, оддий ёғочга бежирим гуллар солиб, юксак санъат асари яратиш осон иш эмас. Бунинг учун инсонда сабр-тоқат, матонат бўлиши керак. Энг муҳими, аждодлар мероси, асрий анъаналарни ўзлаштириш ҳамда ёшлар, шогирдларга ўргатиш миллий ҳунармандчилигимизнинг қайси йўналишида меҳнат қилмасин, ҳар бир устадан катта меҳнат, фидойилик талаб этади. Ҳасан Одиловнинг халқимиз миллий, маданий-маънавий меросини ардоқлаш, асраш ва ривожлантириш йўлидаги фидойи меҳнати муносиб рағбатлантирилиб, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

Б.ИСМОИЛОВ

Олам турфа

ГИНЕСС ҚЎЗИҚОРИН

Кабардино-Балкарияда оғирлиги 17,6 килограммга тенг бўлган қўзиқорин топилди, дея хабар тарқатди «Интерфакс» агентлиги.

Бу баҳайбат қўзиқоринни Нальчик яқинидаги ферма атрофида муҳандис Анатолий Величко — кўриб қолган. Қарийб 18 килограмм оғирликдаги ушбу қўзиқориннинг ёнида 3,5 килограммли яна бир кичикроқ қўзиқорин ўсаётган экан.

Величконинг айтишича, унинг оиласидагилар одатда истеъмол қилинмайди, деб ҳисобланган бу турдаги қўзиқоринларни ўзига хос рецепт асосида тайёрлашар экан. Бироқ бу гал Величколар оиласи қўзиқоринлар таом тайёрлашни бироз кейинга қолдиришларига тўғри келади. Сабаби, аввал ҳудуд нозири гувоҳлигида гигант қўзиқоринни оғирлиги қайд этилиши лозим. Маъмурият вакилининг гувоҳлиги «Гиннеснинг рекордлар» китобига ариза бериш учун зарур бўлади.

НЬЮ-ЙОРКдаги КИНОШИНАВАНДАЛАР

АР агентлигининг хабар беришича, канадалик Суреш Жоаким ва германиялик Клаудиа Вавралар узлуксиз 123 соат мобайнида 57 та кинофильмни томоша қилиб «Гиннеснинг рекордлар» китобидан жой олишди.

«Энг сабрли киномухлис» танлови жорий йилнинг 2 октябрида яқиндагина катта экран юзини кўрган «Темир одам» блокбастери намойишидан бошланиб, 7 октябрь куни «Тельма ва Луиза» кинокартинаси билан якунланди.

Танлов иштирокчилари Нью-Йоркдаги Таймс-сквера шаффоф пластикдан ясалган махсус хонага жойлаштирилиб, улар узлуксиз равишда битта кинофильмдан сўнг бошқаларини тамоша қилишди. Танлов шартларига кўра, иштирокчилар ҳар бир фильмни бошидан охиригача, ҳатто сўнгги титрларигача кўришлари, намойиш пайтида эса эътиборларини бошқа нарсаларга қаратмасликлари керак эди. Ҳар бир кинокартинадан сўнг томошабинларга дам олишлари учун 10 дақиқадан вақт ажратилди.

Massissauga News интернет порталининг хабарларига кўра, танлов ғолибларига 10 минг доллар пул мукофоти ҳамда танлов ташкилотчиси Netflix компаниясининг онлайн-видеопрокатига бир умрлик абонемент тақдим этилган.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Республика кўз микрожарроҳлиги марказида лазер нурлари ёрдамида кўриш қобилиятини қайта тиклаш бўлими иш бошлади.

Тошкент шаҳри

Бу ерда узоқ ва яқинни кўриш қобилияти сусайиши касаллигининг оғир кўринишлари даволанади. Марказда Японияда келтирилган энг замонавий суперлазер нурлари ёрдамида мураккаб жарроҳлик муолажалари амалга оширилмоқда.

— Мен марказ шифокорларидан жуда миннатдорман, — дейди Тошкент алоқа технологиялари университети битирувчиси Наргис Деҳқонова. — Замонавий жарроҳлик муолажаласидан сўнг кўриш қобилиятим яхшиланиб, кўзойнакка ҳам эҳтиёж сезмай қолдим.

Бугунги кунда Ўрта Осиёда ягона бўлган мазкур замонавий лазер ускунаси ёрдамида жарроҳлик муолажаси ўн дақиқа ичида, оғриқсиз амалга оширилиб, ундан сўнг ҳеч қандай чандиқ ва из қолмайди. Энг асосийси, бир неча соатдан сўнг беморнинг кўриш қобилияти тикланади.

Рустам ШАГАЕВ
(ЎзА) **олган сурат.**

СУРАТДА: бўлим бошлиғи Зулфия Мақсудова ва Наргис Деҳқонова.

Йил дастури ижроси — амалда

Самарқанд вилояти

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Баҳамжиҳатлик, тотувлик маҳаллада шаклланади, маҳалла муҳитида мустаҳкам қарор топади. Фарзандларимиз ҳам шу масканда камол топиб, ўсиб-улғаяди. Ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида маҳалланинг ўрни беқиёс.

— Туманимизда 101 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Пастдарғом тумани бўлинмаси раиси Шавкат Қорабоев. — Бўлинмамиз томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ёшларни маънан етук, жисмонан бақувват инсонлар қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифамиз. Бунда кекса авлод вакилларининг тажрибасига, ёрдамига суянамиз. Халқимизда маҳалланг — отанг-онанг, деган ибратли нақл бор. Нуронийларимиз бу нақлнинг мазмун-моҳиятини ёшлар қалбига чуқур сингдиришмоқда. Маҳаллаларда «Бир болага етти қўшни ота-она» шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам шу асосда ташкил этилмоқда. Ёш авлод тарбиясида баҳамжиҳатлик зарур. Шу боис биз туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, «Оила» илмий-амалий маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда фаолият юритамиз.

Туманда йил бошидан буён фарзанд тарбиясида ота-оналар ва маҳалланинг масъулиятини ошириш, оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилди. Бундай тадбирларда 10 мингдан зиёд ёшлар иштирок этишди. «Шу азиз ватан барчамизники» мавзусидаги ёшлар форумида эса тумандан 200 нафардан зиёд йигит-қизи фаол қатнашди. Туманда касб-ҳунар коллежи ёки олий ўқув юртини тамомлаган, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшларни иш билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Улар туман бандликка кўмаклашиш бўлими ва бўлинма томонидан ўтказиб туриладиган меҳнат ярмаркаларида ўзларига муносиб иш ўринларига эга бўлишмоқда.

Ҳунарли инсон хор бўлмайди. Бугун Пастдарғомда ҳунарли ёшлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Ёшларга миллий ҳунармандчилигимиз сир-асрорларини ўргатиш мақсадида коллежлар қошида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Бундай курсларда юзлаб йигит-қизлар устоз-шогирд анъанаси бўйича ўзлари қизиққан ҳунарларни эгаллашмоқда.

Маҳаллаларда ва ўқув масканларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳам ижобий самара бераётир.

Ёш оилаларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам туманда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 10 та ёш оилага турмуш шароитини яхшилаб олиш учун имтиёзли истеъмол кредити берилди. Кам таъминланган, кўп болали 9 та оилага қорамол ҳадя қилинди.

Ҳа, бугун ҳар бир маҳалладош яратувчанлик, юртимиз равнақига ҳисса қўшиш иштиёқи билан яшамоқда. Буни туманда олиб борилаётган кенг кўламли ободончилик ва бунёдкорлик ишлари мисолида кўриш мумкин.

Шоира ШУКУРОВА

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Бунёдкорлик

Бухоро вилояти

Равон йўллар манзилимиз яқин этар

Ёз ва куз фасллари йўлсозлар учун асосий меҳнат мавсуми ҳисобланади. Шу боис, шофирконлик йўлсозлар ушбу мавсумни юқори кўрсаткичлар билан якунлаш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Шофиркон туман автомобиль йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг жамоаси ҳудуддаги умумий узунлиги 483 километр бўлган автомобиль йўлларига хизмат кўрсатади. Мавжуд автомобиль йўлларини соз ҳолатда сақлаш, зарур жойларга йўл белгиларини ўрнатиш, бекатлар қуриш, бир сўз билан айтганда, йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай ҳаракатланиш имкониятларини яратиш мазкур жамоа зиммасига юклатилган.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида корхона жамоаси жами 1 миллиард 884 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширди. Хусусан, туман марказига олиб борувчи «Вобкент — Шофиркон — Жилвон» йўналишидаги йўлнинг 6-11 километрлари тўла таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, корхона жамоаси йил бошидан буён 7358 метр квадрат ҳажмдаги пиёдалар йўлакларига темирбетон плиталари ўрнатишди. 2 та автобекатни қуриш ишлари ниҳоясига етди.

Бу каби хайрли ишларнинг кўнгилдагидек бажарилишида корхонанинг Ортиқ Хўжаев, Азиз Исмоилов, Мурод Назаров, Наим Ҳамроев, Бахтиёр Қудратов каби жонкуяр ходимлари ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

— Режада белгиланган қурилиш ва таъмирлаш ишларини йил охиригача ниҳоясига етказиш учун барча имкониятларимиз етарли. Йўлларимиз равонлиги ва фуқароларнинг манзили яқин бўлиши учун ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Содиқ Саидов.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Қилмиш-қидирмиш...

"СИРҒАЛИ" ПОРА

... Олмалиқ шаҳрининг Охунбобоев номли маҳалласида яшовчи Бибизайнаб ва Бухатиранинг ўзаро жанжали арзимаган «деди-деди» қабилидаги гапдан чиқди. Ҳар икки аёл ҳам жаҳлини жиловлай олмади — жанжал муштлашувга айланди, устига-устак, жанжалга Бухатиранинг сингиллари ҳам аралашди. Аёллар ор-номусни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бир-бирининг соч-юзини юлишди, бунда Бибизайнаб анчагина азият чекди. Унинг Олмалиқ шаҳри ички ишлар бўлимига мурожаати асосида ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари ҳар икки аёлни — Бибизайнаб Исмоилова ва Бухатира Шерматовани суд-тиббий экспертиза таҳлилига йўлладилар...

2007 йил 23 июль куни жанжалкаш аёллар Олмалиқ туманлараро суд-тиббий экспертизаси бўлинмаси мудири Жуманазар Мусабоев ҳузурига келишди. Ж.Мусабоев уларни тиббий кўрикдан ўтказди, қўшимча таҳлиллар учун Б.Исмоиловани травматологга, Б.Шерматовани эса невропатологга йўллади. Бибизайнаб Олмалиқ шаҳар марказий касалхонасига жойлаштирилди. Бундан хабар топган Бухатира шу куни Ж.Мусабоевнинг ҳузурига қайтиб келди. Аёллнинг мақсади Ж.Мусабоевдан суд-тиббий экспертиза хулосасини сўраб билиш, иложини топса, Б.Исмоиловага етказилган тан жароҳатларини камайтириб кўрсатишга кўндириш эди. Ж.Мусабоев аёлнинг «таклиф»ига рози бўлмади, лекин кескин рад жавобини ҳам бермади. У аёлга «Индинга келиб, суд-тиббий экспертизаси хулосасини олиб кетишингиз мумкин», деди. Бухатира мудирнинг олдига эртасига яна келди, ўша таклифини яна такрорлади. Бугал Ж.Мусабоевнинг муомаласи бошқачароқ, аёлнинг таклифига рози бўлгандек эди. Мудир гап орасида бунинг учун касалхонадаги шифокорлар билан «тил топишиш» кераклигини қистириб ўтди. Хизмат эвазига 100000 сўм «харажат» кераклигини эшитиб, Бухатира шошиб қолди. Аёлнинг мўлжали мудир айтган маблағдан анча кам бўлиб, унинг дабдурустдан бунча миқдорда нақд пул топиб бериши амримаҳол эди. Аёлнинг юзида зуҳур этган иккиланиш мудирнинг назаридан четда қолмади, пулни икки-уч соат орасида келтириши лозимлигини уқтирди.

— Бисотимда бори шу, — дея аёл қулоғидаги тилла сирғаларни ечди-ю, мудирнинг столига қўйди. — Шуни олинг-да, бир амаллаб шу ғалвани тинчитиб беринг, илтимос...

Мудир сирғаларни кафтига солиб, салмоғини чамалади, софлигини кўрсатувчи рақамларини синчиклаб кўрди. Шунда ҳам кўнгли тўлмади чоғи Бухатирага деди:

— Зиракларни сотиб, пулини олиб келсангиз яхши бўларди...

— Шу тобда кимга ҳам сотаман буни. Тиллафурушлардан ҳам танишим йўқ. Келинг, шу буюм сизга қола қолсин...

Бухатира сирғасини мудирга қолдириб, уйига кетди. Бўлган воқеаларни эрига айтган эди, «Сирғангизни бекор ташлаб келибсиз, ахир ҳозир тилла буюмларнинг нархи кўтарилган. Ўша сирғалар юз минг сўмдан анча қиммат туради-ку. Ҳали ҳам кеч эмас, дарҳол қайтариб олинг. Пулни бирор жойдан топармиз. Тавба, икки аёл соч юлишиб гап-сўзга қолганларинг етмагандек, яна бир порахўрнинг тегирмонига сув қуймоқчимисиз? Аслида бундай порахўрларнинг адабини бериш керак...» қабилида панд-насиҳат эшитди. Янгасининг маслаҳати билан Бухатира Ж.Мусабоевга қўнғироқ қилди ва эртасига айтилган пулни олиб бориб, тилла буюмини қайтариб олишини айтди. Мудир қарши бўлмади, «Пулни Улуғбекка қолдириб, буюмингизни ундан олиб кетинг», деди.

Улуғбек Тиллабоев — Олмалиқ туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмаси санитар ходими бўлиб, мудир Бухатира қолдирган сирғаларни унга Олмалиқ шаҳридаги «Ойдин» бозорида тиллафурушлик қилувчи бир аёлга элтиб, нархини аниқлаштириб келиш учун бериб юборганди...

Эртасига Бухатира мудирга у талаб қилган пулни бериб, сирғаларини қайтариб олди. Унгача эса у мудирнинг таъмагирлиги ҳақида Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилган эди. Мудир пора сифатида олган пул ҳақиқий пора эди, яъни 500 сўмлик қийматга эга пулларга махсус кукун билан ишлов берилиб, тегишли тарзда ёритилганда ўқиладиган «ПОРА» сўзлари ёзилган эди...

Кейинчалик, тергов-суриштирув ишлари ва суд жараёнида Ж.Мусабоев таъмагирлик қилганини, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб Б.Шерматовани қасддан пора беришга мажбур этадиган шароитга туширгани тан олди. Шунингдек, порахўр масъулнинг Б.Исмоилова ва Б.Шерматоваларни тиббий кўрикдан ўтказган пайтида уларнинг танасида ҳеч қандай жиддий жароҳат бўлмагани, унинг атайин таъмагирлик ниятида вазиятни чалкаштиришга урингани ҳам фош бўлди.

Ж.Мусабоев ўз қилмишига яраша қонуний жазо олди.

Шаҳзод ҲУСАНБОЕВ,
Тошкент вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси.

Хотира уйғонса, гўзалдир...

КАЛАМИ СИНСА-ДА, РУҲИ СЎНМАГАН АДИБ

... Адиб Мирзакалон Исмоилий ўз замонасининг қўплаб зиёлилари қатори қатағон қурбони бўлган. У қатағон йиллари қамоқда топган-тутган қоғоз парчаларига, газета бўлакларига бутун бошли роман ёзган эди...

Мирзакалон Исмоилий 1908 йилда Ўш шаҳрида дунёга келди. Отаси Исмоилхўжа Ўш яқинидаги Булоқбоши қишлоғида деҳқончилик қилиб, тирикчилик ўтказарди. Мирзакалон ҳали эсини таниб улугурмай онаси вафот этади. Ўн бир ёшида отасининг қаттиққўллиги ва ўгай онасининг турткилашларидан безор бўлиб, қолаверса, ўқиш-ёзишни ўрганиш мақсадида етимхонага қочиб кетади. Ўшдаги етимхонада икки йил тарбиялангандан сўнг Тошкентга келиб, Ўлка ўзбек эрлари билим юртига ўқишга киради. Билим юртидаги олти йиллик таҳсил Мирзакалоннинг дунёқарашини кенгайтириб, билимини оширишда катта ўрин тутди. Айниқса, Абдулла Авлонийнинг ҳар бир сабоғи унда унутилмас таассурот қолдирди, адабиётга бўлган иштиёқини кучайтирди.

1928-1930 йилларда Мирзакалон Исмоилий Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқ факультетида ўқиди. Университетни битиргач, Ўзбекистон Давлат нашриётида, Тошкент киностудиясида, Ёзувчилар уюшмасида фаолият кўрсатди.

Ижод оламига ўтган асрнинг 20-30 йилларида кириб келган ижодкорлар сингари Мирзакалон Исмоилий ҳам ўзини Чўлпоннинг шогирдларидан бири деб биларди. Маълумотларга қараганда, бир куни Мирзакалон Исмоилийга Наим Саидий деган таниши Чўлпонга саводли матн кўчирувчи зарурлигини айтиб қолади. Албатта, Чўлпонга хизмат қилиш сўз санъатига ҳавасманд йигит учун шараф эди. У дарҳол манзилни олиб, шоирнинг Қўшҳовуздаги уйига боради. Келишувга мувофиқ Чўлпон унга таржималарининг қўлёзмасини берар, Мирзакалон Исмоилий эса уларни кўчириб берарди. Баъзан адабий гурунг ва суҳбатларда ҳам иштирок этар, шоирнинг миллатпарварлик ва ҳурлик ғоялари таъсиридан четда қолмасди. Шу йилларда ёш ижодкор рус ёзувчиларининг болаларга атаб ёзилган ҳикояларидан бир нечтасини ўзбек тилига таржима қилди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Мирзакалон Исмоилий фронтда ўзбек жангчилари учун чиқариладиган "Қизил Армия" газетаси таҳририятида хизмат қилди. Таҳририят жойлашган вагон жанггоҳдан бироз узоқда турар, баъзан унинг ён-атрофига бомба тушиб, портлаб қоларди. Адиб урушнинг сўнгги кунига қадар жанг майдонида бўлди. Урушдан кейин М.Исмоилий матбуот нашрларида, кейинчалик "Шарқ юлдузи" журналида масъул котиб вазифасида фаолият кўрсатди.

1950-55 йилларда Мирзакалон Исмоилий ҳам қатағонга учраб, қамалди.

Адибнинг "Фарғона тонг отгунча" романи ўз даврида китобхонлар томонидан севиб ўқилган асарлар қаторига киради. 1956 йил 15 октябрда Ёзувчилар уюшмасига ёзган хатида адиб роман хусусида қуйидагиларни ёзади: "Ҳибсда эканимда мен хаёлан йирик асар устида иш бошладим. Мўлжалим бўйича бу асар ўзбек халқининг 1905 йилдан то бугунги кунга қадар босиб ўтган тарихий йўлини кўрсатиши керак эди. Ёлғизликда, маҳрумликда ўтган кунларим, йилларимни беҳуда совурмадим. Мен лагерда ўйлаб қўйганим уч китоб — трилогиянинг асосий йўналишларини миридан сиригача хаёлимда пишитдим. Ижод қилиш ман этилганига қарамай, яширинча қоғоз парчаларига трилогиянинг бир қисмини ёздим..." Асар мулоҳакамадан сўнг қайта ишлангач, 1958 йил 15 минг нусхада чоп этилди. Орадан кўп ўтмай трилогиянинг иккинчи китоби ҳам нашрдан чиқди. Афсуски, турли сабабларга кўра, учинчи китоб дунё юзини кўрмади.

— Мирзакалон Исмоилий билан Семашко номидаги санаторийда бирга дам олган эдик, — дейди филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов. — У киши жуда ҳокисор, соддадил инсон эди. Икковимиз ҳам адабиётга дахлдор бўлганимиз туфайли суҳбатимиз ҳам кўпроқ шу мавзуда бўларди. Адиб таваллудининг 80 йиллиги арафасида "Мирза ака" сарлавҳали мақола ёзган эдим. Устознинг бир ҳикояси менга қаттиқ таъсир қилган. Ноҳақ қамалиб, Қарағандадаги жазони ўташ муассасасида бўлган кезлари маҳбуслар беш-олти чақирим наридаги шахтага қатнаб ишлашар, қаттиқ совуқда бориб-келиш ва ишлаш ниҳоятда оғир экан. Таниқли ёзувчининг бу аҳволда юришига ачинган маҳбуслар "Сизнинг илм-саводингиз бор, рус тилини яхши биласиз. Янги тайинланган лагерь бошлиғи зиёли инсонга ўхшайди. Илтимос қилиб кўринг, зора сизни енгилроқ, ёзув-чизувли ишга ўтказса", дейишибди. Адиб минг истиҳола билан қамоқхона бошлиғининг олдига кириб, илтимосини айтибди. Шунда бошлиқ "Ҳали мен ёзувчиман, дегин. Қани, ўша ёзадиган қаламингни менга бер-чи", дебди. Қаттиқ совуқда сиёҳ музлаб қолар, шунинг учун қалам билан ёзишаркан. Ёзувчи унинг муддаосини тушунмай, ҳайрон бўлиб, қаламини узатибди. Шунда бошлиқ қаламни шартта синдирибди-да, уни аввалгидан ҳам мушкулроқ ишга ўтказибди. Мирза ака орадан неча йиллар ўтган бўлишига қарамай бу аламли воқеани изтироб билан ёдга оларди.

Мирзакалон Исмолий жаҳон адабиётининг 200 дан зиёд дурдона асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирди. Ўзбек китобхонлари Лев Толстойнинг "Тирилиш", "Анна Каренина", инглиз адибаси Этель Лилиан Войничнинг "Сўна", турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекининг "Чоликуши" романларини, Шолоховнинг "Инсон тақдири" қиссаси, Радишчевнинг "Петербургдан Москвага саёҳат" асарларини, А.Чехов, М.Горький ҳикояларини унинг таржимасида мутолаа қилдилар.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бошларида республика радиосининг "Ёшлик" таҳририяти ходимлари Рустам Раҳмон ва Саъдулла Сиёев Мирзакалон Исмоилий билан одоб-ахлоқ мавзусида суҳбатлар уюштиришади. Радиотингловчилар томонидан йўлланган хатлар асосида тайёрланган қизиқарли эшиттиришлар ёшлар орасида, айниқса, шуҳрат қозонди. Адибнинг одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, ёшлар тарбиясига бағишланган "Инсон ҳусни", "Одамийлик қиссаси", "Қизлар дафтарига", "Ўзингдан кўр" сингари асарлари ана шундай суҳбатлар асосида яратилган. Бу асарлар ҳамиша бадиий адабиёт ихлосмандлари, ёшлар учун қадрли бўлиб қолади.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Пиру бадавлатларимиз

Андижон вилояти

Яқинда Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласида катта шодиёна бўлиб ўтди. Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Мунаввархон ая ва Ҳамиджон ота Муҳаммадиминовларнинг турмуш қуришганига 50 йил тўлди.



— Ҳамиджон ота ибратли ишлари билан маҳалла-кўй, эл-юрт орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга, — дейди йиғин раиси Гулчеҳрахон Ёқубова. Бу оила аъзоларининг ўзаро меҳр-оқибатлилиги, тинч-тотувлигини маҳалладошларга намуна қилса, арзийди.

Дарҳақиқат, пиру бадавлат қарияларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли кўпга ўрнак. Улар уч ўғил, уч қизни тарбиялаб, олий маълумотли, эл корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказдилар. Бугунги кунда отахон ва онахон 23 нафар невара ва 12 нафар чевараси даврасида кексалик гаштини суришмоқда.

У.САКСОНБОЕВ

СУРАТДА: *Мунаввархон ая ва Ҳамиджон ота жажжи чевараси Зебунисо билан.*

Уққанга балли!

... Анчадан буён суҳбатига орзуманд бўлганим бир киши — Аҳмаджон ака билан тўйда ёнма-ён ўтириб қолдим. Аслида биз хизмат тақозоси билан танишган эдик. Самимий, очиқчеҳра бу одам билан турли тадбир-йиғинларда учрашиб қолардик. Катта корхонанинг раҳбари бўлган Аҳмаджон аканинг ўзини ўта камтарона тутиши, одамохунлигига тан берардим.

САЛОБАТГА БЕРИЛГАН САЛОМ

Фурсати етса-да, нима учундир тўй базми бошланмаётган эди. Англашимча, тўй эгалари бообрў бир меҳмоннинг келишини кутишяпти. Мен Аҳмаджон аканинг суҳбатидан завқланиб, ҳар бир гапидан маъно уқардим.

Бирдан тўйхонада жонланиш юз берди: мезбонлар «Келишяпти, келишяпти!» деган хитоб билан тараддудланиб қолишди. Ўғлини уйлантираётган тўй соҳиби ўн чоғли дўст-жўралари билан муҳтарам меҳмонга пешвоз чиқди. Орзиқиб кутилган меҳмон тўй эгаси билан сўрашди-да, унинг қўллари кўксида салом бериб турган жўраларига беэътибор, ҳатто қиё ҳам боқмай ўзи учун махсус ҳозирланган, алоҳида хонага кириб кетди.

Бу манзарани тўйхона аҳли кузатиб турганди, албатта. Ҳамсуҳбатим Аҳмаджон ака олиймақом меҳмоннинг бу қилиғини кўриб мийиғида кулиб деди: «Бундай ҳолатларни кўрсам, бир воқеа эсимга тушиб, ўзимдан-ўзим уялиб кетаман...»

Аҳмад ака бу гапи мени қизиқтириб қўйганини кўриб, сўзлашда давом этди:

— Укам, билсангиз, саломлашиш одоби нозик масала. У салом берувчи ва алик олувчи кишининг маданияти, маънавияти, дунёқарашию онгини намоён қилади, кимнингки бу борада камчилиги бўлса, фош қилади-қўяди.

Раҳбарлик лавозимига эндигина тайинланган кезларим эди. Ҳозир ўйлаб қарасам, жуда тез фурсатда амал шамоли эс-ҳушимни учириб, унча-мунча одамни менсимайдиган касалга йўлиқиб қолган эканман ўшанда. Хуллас, корхонамизда бир муаммо чиқиб қолди. Қанча уринмайлик, бартараф эта олмадик.

"Бу масалада Абдукарим ака ёрдам бериши мумкин, — дея маслаҳат берди корхонанинг собиқ раҳбари. — У сизни сиртдан танир экан. Кеча учрашиб қолгандик, муаммодан хабардор экан. Унга албатта учрашинг. Жуда ғамхўр, бағрикенг инсон, ёрдамини аямайди".

Абдукарим ака деганлари тўғрисида кўп яхши гаплар эшитганману, лекин шахсан танимас эдим. Тасаввуримда уни салобатли, анчайин қовоғи солиқ ва албатта, мағрур киши қиёфасида кўрдим.

Эртасига иш вақти бошланмасданоқ Абдукарим ака раҳбар бўлган корхонага етиб бордим. Ҳашаматли идора ҳовлисида уч киши суҳбатлашиб турар эди. Уларнинг икки нафари кўринишидан салобатли, пўримгина кийинган эди. Мен излаётган одам шулардан бири бўлса керак, деган тахминда салобатли кишиларнинг ҳар иккиси билан қуюқ сўрашдим. Суҳбатдошларнинг учинчиси — одмигина кийинган, кичик жуссали кишига назар ҳам ташламадим. Унинг ўзи салом бериб, менга қўл узатди. Унинг саломига алик олмаёқ салобатли кишилар билан сўрашишда давом этдим. Қуюқ сўрашувдан сўнг Абдукарим акани сўрадим. Салобатли кишилар қўллари кўксида... ҳозиргина мен менсимаган, ҳаттоки саломлашмаган кишига қарашди. У киши эса очиқ чеҳра билан менга юзланди, самимийлик билан:

"Кеча сиз тўғрингизда гаплашгандик, кутаётгандим, — деди".

Шу тобда олам остин-устун бўлиб кетгандек туюлди менга. Ҳаётимда бундай ҳолатга тушмаган эдим. Нима қилишимни, нима дейишимни билмайман, денг. Уятдан бутун баданим лов-лов ёнарди...

Абдукарим ака мени ўз хонасига бошлади. Кўз олдим қоронғулашган, босаётган қадамимни ўзим сезмайдиган аҳволда унга эргашдим. Хонага киргач, Абдукарим ака чой қуйиб узатди. Қўлим қалтираб, иссиқ чойни кўпроқ хўплаб юборибман. Тилим куйгач, оғриқдан бироз ўзимга келдим.

Абдукарим ака телефон орқали корхонамиз муаммосини ҳал қилди. Ишимга муваффақият тилаб ҳовлигача кузатиб қўйди. Шунда билдимки, улуғлик келбатга, салобатга, либосга қарамас экан. Ҳурмат-эъзозга чинакам лойиқ кишилар оддий, содда ва камтар бўлишар экан. Шу воқеадан сўнг ёш болага ҳам биринчи бўлиб салом берадиган бўлдим...

Аҳмаджон ака ҳикоясини тугатгунча, тўй базми ҳам очиқ деб эълон қилинган эди. Дастлабки табрик сўзи ҳурмат юзасидан бояги мўътабар меҳмонга берилди. У кибор билан, чертиб-чертиб гапирди, яхши тилакларини ҳам буйруқ оҳангида изҳор этди. Гўёки унинг қаршисида бахт шодиёнасини нишонлаётган келин-куёв эмас, хизматига камарбаста ходими тургандек...

Тўйхона аҳли табрикловчини узоқ олқишлади. Албатта, ахир у Фалончи Фалончиевич-ку!..

Мен эса шу тобда ёш келин-куёвга уларнинг ҳаёт йўли аввалида, ушбу қутлуғ кунда ҳозиргина ўзим тинглаган ҳикоянинг қаҳрамонлари — Абдукарим ака ва ундан сабоқ олган Аҳмаджон акага ўхшаган самимий кишилар тилак билдиришини истардим. Чунки айнан чин дилдан, самимий билдирилган яхши тилакларгина ижобат бўлади-да...

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

«Ҳаётда ўз ўрнимни топдимми?» қабилидаги саволлар ўйҳаёлингизни эгаллаб олган. Бу саволга жавобни атрофдагиларнинг сизга муносабатидан изланг.

СИГИР(22.04-20.05)

Бир оғиз ширин сўз билан ҳар қандай кайфиятдаги одамнинг кўнглига йўл топа оласиз. Айни кунларда шу қобилиятингиз сизга жуда асқотиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Чала қолган юмушларни ниҳоясига етказиш, шунингдек, дарз кетган муносабатларни тиклаш учун жуда қулай фурсат. Вақтни бой бермай ишга киришинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Фаолиятингизда йўл қўйилган баъзи хатолар оқибати сизга тинчлик бермаяпти. Лекин бу яқинларингизга дўқ уриш учун сабаб бўлолмайди, жаҳлингизни жиловланг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Уй-рўзғор учун кўнгилли харидлар қилиш, яшаш жойингизни қишга тайёрлаш каби майда-чуйда, лекин оиладаги соғлом муҳит учун муҳим ишлар билан банд бўласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Фаолиятингизнинг турли жабҳаларига дахлдор маълумотлар ва янгиликлар асосида янги режалар тузиш билан машғулсиз. Режаларингизнинг аксарияти амалга ошади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шахсий ҳаётингизга оид долзарб масалалар муҳокамаси ва ечимига деярли бор имкониятингизни, моддий ва маънавий қувватингизни сарфлашингизга тўғри келади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Борди-ю иш жойингизни алмаштириш ниятингиз бўлса, яқин кунларда сиз учун ҳар томонлама мақбул таклифлар тушиши мумкин. Фақат бир қарорга келишда узоқ ўйланманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ёлғиз қолиб дунёнинг ишлари хусусида хаёл суришга эҳтиёж сезяпсиз. Эҳтимол, шундай йўл билан нотинч руҳиятингиз ором топар, бунга уриниб кўринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Бировдан қарздор экансиз, ишларингиз бароридан келиши қийин. Дарҳол қарзларни узишга чора изланг. Қолган барча юмушларга ҳам улгурасиз, хотиржам бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ирим-сиримлар, туш таъбирига кўр-кўрона ишониб яшаб бўлмайди, лекин баъзан одам кўрган тушини тўғри таҳлил қилиб, мушкул вазиятга тушиб қолишдан сақланиши мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Расмий учрашувлар, ҳужжатлаштириш жараёнлари сиз учун жуда омадли кечиши мумкин. Қоғозбозлик билан битадиган ишларни пайсалга солмасдан кўрманг.

Донолар тил ҳақида

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.
Алишер НАВОИЙ

Кўп тилни билиш — битта қулфга тушадиган бир нечта калитга эга бўлиш демакдир.
ВОЛЬТЕР

Тил бойлиги тафаккур бойлигидир.
КАРАМЗИН

Тилдан бошқа бирон нарса доимо тутқунликда ушлаб туришга лойиқ эмас. Тил мисоли йиртқич ҳайвон — маҳкам тутмасанг, ўзингга душманлик қилади.
Абдуллоҳ ибн МАСЪУД

Тил — халқнинг тарихи. Тил — тараққиёт ва маданият босиб ўтган йўл.
КУПРИН

Агар одамнинг сўзи ланж, оғир, пойма-пой, нўноқ, мужмал ва қовушмаган бўлса, унинг зеҳни ҳам ўшандай, чунки у тил воситасида фикрлайди.
ГЕРДЕР

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Билиб қўйган яхши

СИМОБЛИ СУРТМА СЕПКИЛГА ЧОРАМИ?

Одатда сепкил болаларда 4-6 ёшдан бошлаб пайдо бўлиб, кейинчалик, яъни қариганда йўқолиб кетиши мумкин. Сепкилларнинг ранги оч сариқ, қўнғир, қорамтир ёки тўқ жигарранг, шакли эса ҳар хил бўлади. Оқ-сариқ ва малла кишиларда сепкил доғлари кўп учрайди. Сепкиллар асосан баҳор ва ёз фаслларида кўпайиб, куз ва қишда анча билинмай қолади. Шу боис сепкилга мойил кишилар қуёш нуридан сақланишлари зарур.

Тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, сепкилни буткул йўқотиб юборишнинг иложи йўқ. Бироқ доғларни вақтинчалик кетказувчи турли муолажалар мавжуд бўлиб, улар асосан кимёвий моддалар ёрдамида амалга оширилади.

Замонавий косметология марказларида ҳам сепкил ва доғларни кетказишда таркибига чўктирилган оқ симоб қўшилган суртмалардан фойдаланилади. Бироқ оқартирувчи хусусиятга эга симобли суртмани мунтазам қўллаб бўлмайди. Чунки бу моддадан узоқ вақт ва узлуксиз фойдаланиш, буйрак ва милкларга зарар етказиши мумкин. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар эса таркибида симоб эритмаси мавжуд бўлган оқартирувчи воситалардан фойдаланмаганликлари маъқул.

Умуман олганда, кимёвий оқартирувчи воситалардан фойдаланиш оқибатида юз териси дағаллашиб, ажин ва бурмалар пайдо бўлиши мумкин. Шу боис юздаги доғларни кетказишда кўпроқ табиий воситалардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада қатиқ маҳсулотини қўллаш ёки мавсумга қараб қорахат, бодринг шарбатларидан фойдаланиш яхши самара беради. Шунингдек, қуйидаги усуллар билан ҳам сепкилларни оқартириш мумкин.

* Ғарқ пишган беҳи меваси қирғичдан ўтказилади-да, дока ёрдамида турпидан ҳоли этилиб, шарбати ажратиб олинади. Пахта пиликка шимдирилган мазкур шарбат билан юз териси артиб турилади. Шунда ундаги доғлар анча рангсизланади.

* Бир ош қошиқ миқдоридаги майдаланган крафш (петрушка) барглари-га шунча миқдорда асал қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра юзга суртилиб, ниқоб 45 дақиқа ушлаб турилади ва илиқ сувда ювиб ташланади. Агар ушбу аралашмага худди шунча миқдорда лимон шарбати қўшилса, натижаси янада ижобий бўлади. Бундай ниқобни қўллаш вақти ярим соатдан ошмаслиги лозим.

* Агар крафш барглари тенг миқдордаги эчки сути, қатиқ (ёғли юз териси учун) ёки сметана (қуруқ тери учун) билан омухта қилиниб, аралашма юзга суртилса, тери жозибали тус олади. Ушбу аралашма терига суртилгач, чорак соатдан сўнг хона ҳароратидаги сув билан чайиб ташланади.

* Қовун уруғларини сувда қайнатиб, қайнатма билан юз ва қўллар ювиб турилса, тери майинлашади ва оқаради.

Бироқ эҳтиёткорлик юзасидан ҳар қандай муолажани амалга оширишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш зарурдир.

Доно ХЎЖАЕВА,
олий тоифали доришунос.

Утерянное шаходатнома о девятилетнем оброзовании И № 2901999 выданный ср. школой № 253 Юнус-Абадского р-на г.Ташкента в 2007 г. на имя Саидмухамедовой Мухлисы считать недействительным.

ООО «ABDULLA INVEST» (ИНН 300559925) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Яккасаройского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел. 281-35-66.

Дополнение к объявлению ранее напечатанному в газете НТВ № 6 от 08.02.2008 г. ЧФ «NARJIS» зарегистрирована решением хокима Хамзинского района г. Ташкента № 702 от 13.06.2002 г.

Утеряный диплом № 294407 выданный в 1980 г. на имя Воробьёва Александра Александровича ГСПТУ № 57 Мирзо Улугбекского р-на г.Ташкента недействительным.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧКОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Бектош Исмоилов
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 15 октябрь
42 (644)

11769 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920
2 3 4 5 6
Топширилди — 22.40